

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЯЕВ ДИЛШОД АБДУЛЛАЕВИЧ

**КАДМИЙ, ИНДИЙ ВА СУРЬМАНИ АНИҚЛАШДА
ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ СЕНСОРЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2017

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on chemical sciences**

Зияев Дилшод Абдуллаевич

Кадмий, индий ва сурмани аниқлашда электрохимёвий сенсорларни
ишлабчиқишвақўллаш.....
3

Зияев Дилшод Абдуллаевич

Разработка электрохимических сенсоров и их применение
при анализе кадмия, индия и сурьмы.....21

Ziyaev Dilshod Abdullayevich

Elaboration of electrochemical sensors and their using at
analysis of cadmium, indium and surmium.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

2

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЯЕВ ДИЛШОД АБДУЛЛАЕВИЧ

**КАДМИЙ, ИНДИЙ ВА СУРЬМАНИ АНИҚЛАШДА
ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ СЕНСОРЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2017

3

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PHD/K3. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сманова Зулайхо Асаналиевна кимё фанлари
доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Насимов Абдулла Муродович
техника фанлари доктори, профессор

Султонов Марат Мирзаевич
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университет ҳузуридаги
DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2017 йил
соат___даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет
қўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24, e-mail:
chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетнинг ахборот-ресурс марказида

танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр
баённомаси).

Х. Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

А. М. Насимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси муовини, к.ф.д., профессор.

4

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунёда атроф-муҳитнинг турли газлар, суюқ ва қаттиқ моддалар, саноат чиқиндилари билан ифлосланиши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жиддий экологик муаммоларга олиб келади, ҳамда бу муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.¹ Саноатда ярим ўтказгичлар, шунингдек ўта тоза моддалар олишда асосий материаллар сифатида кадмий, сурьма ва индийга бўлган талабнинг, ушбу материалларни аналитик назорат қилиш, сезгир усулларини яратиш ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан долзарб ҳисобланади.

Республикамызда «ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖ корхоналарида электрокимёвий усулларда замонавий технологияларидан фойдаланадиган ҳолда бир қатор металлларни ажратиб олишга ва уларни анализ қилишга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, кадмий, сурьма, индий ва бошқа оғир, канцероген, захарли металлларни электрокимёвий усулларда аниқлашда ишчи электрод сифатида электрокимёвий сенсорлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Мамлакатимизни жадал ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида замонавий электрокимёвий усуллар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини

қисқартириш ҳамда рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда дунёда оғир, захарли металлларнинг ультрамикромикдорини аниқлаш имконини берадиган кўплаб физикавий ва физик кимёвий тадқиқот усуллари мавжуд, бироқ улар ҳам рухсат этилган микдор ва ундан кам даражада керакли сезгирликни таъминлаб бера олмайди. Дунёда миқёсида оғир, канцероген металллар атроф муҳитни асосий ифлослантирувчилар бўлиб, уларнинг мониторингини олиб бориш юзасидан мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш муҳим бўлиб, бу борада, жумладан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: кимматбаҳо, захарли симоб ишчи электродини ўрнини боса оладиган янги сенсорларни яратиш; экологик тоза, маҳаллий хомашёлардан тайёрланган сенсорларни ишлаб чиқиш; модификацияланган электрокимёвий сенсорлар орқали оғир канцероген ва захарли металлларни аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллашни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 2016 йил 23

¹Р 2.1.10.1920-4. Руководство по оценке риска для здоровья населения при воздействии химических веществ,загрязняющих окружающую среду. М. : Федеральный центр Госсанэпиднадзора Минздрава России, 2004. 143 с.

августдаги «2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурини» тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Кадмий, индий ва сурьмани электрокимёвий усуллар ёрдамида аниқлашнинг турли сенсорлар ва чиплар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари жадал ривожланмоқда. Бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган Pradeep Sh. R., Bais M. T., Muhammad O. F., Aqeel Ahmad T., Saad Al-Shahrani, Dumitru B., Sami U. R. OlgaDomínguez Renedo, M. JesúsG. G., M. JuliaArcos-Martínez, G. VanDyck, F.Verbeek каби олимларнинг илмий ишлари энг кўп ихтибослик даражасига эга. МДХ давлатларининг бир қатор олимлари ҳам кадмий, сурьма ва индийни

аниқланишнинг шу соҳасига ўз ҳиссаларини қўшишган: Шермет А.А., Ермаков С.С., Москвин Л.Н.. Уларнинг тадқиқотлари кадмийнинг бошқа металллар билан интерметалл бирикмалар ҳосил қилишига таъсирини ўранишга қаратилган. Модификацияланган янги электродлар яратиш устида Максимчук И.О., Тишкина Ю.Н., Болкова А.К., Соколовский А.Е., Радион Е.В., Брайнина Х.З., Т.П., Иванова Е.Е., Шпигун Л.К., Лунина В.К. ишлаганлар. Наркозиева Г. А., Царева С. А., Краснова В.П., Грязнова М.В – уларнинг тадқиқотларининг мақсади ўсимликдан олинадиган озиқ овқат маҳсулотларида оғир металллар миқдорини аниқлаш бўлган. Боровков Г.А., Демин В.А., Каменев А.И., Абовская Н.В., Иванов П.С., Казак М.Д., Свинцова Л.Д., Чернышова Н.Н., Каменев А.И., Демин В.А., Витер И.П., Мишукова Е.В., Березовская Т.Н., Зверев А.В., Рябчук Г.Н., Грамотина Ю.А., Брайкова А.М. Матвейко Н.П. – порфюмер-косметик маҳсулотларда кадмий ва сурьмани аниқлашга йўналган эди.

Ўзбекистонда ушбу йўналишнинг ривожланиши бевосита Толипов Ш.Т., Хадеев А.В., Геворгян А.М., Абдурахманов Э., Насимов А.М., Файзуллаев О., Туробов Н.Т. номлари билан боғлиқ.

Диссертация мавзусини диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университети фундаментал ва амалий лойиҳаларининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-22 «Региоселектив органик реагентлар синтези» (2012-2016 й.й.) ва А.12-53 «Полимер ташувчиларга имобилланган реагентлар билан атроф муҳит объектларидан экотоксикантларни фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш» (2015-2017 й.й.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

6

Тадқиқотнинг мақсади электрохимий сенсорларни (ЭС) ишлаб чиқиш ва уларни кадмий, индий ва сурьмани аниқлашда қўллашдан иборат. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

буфер аралашмалари ва фон электролитларнинг оптимал таркибини ва ингредиентларнинг концентрацияларини аниқлаш;

тадқиқ қилинган металлларни уларнинг индивидуал эритмаларида, реал табиий объектларни ва саноат материалларини имитация қилувчи модел бинар, учтали ва ундан мураккаб аралашмаларда аниқлашнинг янги инверсион вольтамперометрик усуллари яратиш;

Cd, In ва Sb ионларининг микро- ва из миқдорларини инверсион вольтамперометрик аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усуллари рудалар, кавшарлар, протез тишлар ва концентратлар анализида, яхшиланган метрологик тавсифларга эга (аниқлик, ишлаб чиқариш мумкин бўлган, селектив, аниқланувчи концентрациялари диапазони кенг бўлган) табиатан турли мураккаб объектлар ва материаллар анализининг рационал ечимларини излашда қўллаш мумкин.

Тадқиқот объекти. Турли хил қотишмалар, кавшарлар, сурков мойлари, рудалар, минераллар, турли хил табиатли сувлар ва стандарт намуналар қўлланилган.

Тадқиқот предмети. Индий, сурьма ва кадмий ионлари, турли хил органик реагентлар билан модификацияланган электрохимевий сенсорлар ҳамда атроф муҳитни ифлослантирувчи мутаген бирикмалар.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида инверсион вольтамперометрия, полярография, потенциометрия, амперометрия ва кондуктометрия каби замонавий электрохимевий тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

илк бор турли органик реагентлар билан модификацияланган электрохимевий сенсорлар ёрдамида In, Sb ва Cd ионлари инверсион вольтамперометрик аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

буфер аралашмалар ва фон электролитларнинг оптимал таркиби ва компонентларнинг нисбати, потенциалнинг таъсири, сенсорларда деполяризаторнинг тўпланиш вақти, аниқланаётган эритманинг температураси ва ток диапазонини фойдали аналитик сигнал катталигига таъсири кўрсатилган;

тадқиқ қилинган металлларни реал табиий объектларда ва саноат материалларида селектив инверсион вольтамперометрик аниқлаш натижаларига бегона катионларнинг, комплекс ҳосил қилувчи бирикмаларнинг ва анионларнинг таъсири аниқланган;

аниқланаётган металлларни гибрид экстракцион инверсион вольтамперометрик усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат: оғир металлларнинг қуйи миқдорларини инверсион-вольтамперометрик аниқлаш усули ва электрохимевий сенсор таклиф қилинган.

7

электроднинг аналитик ва эксплуатацион тавсифлари оширадиган модификациялаш йўллари кўрсатилган;

оғир металлларни аниқлашнинг стационар ва динамик вариантларида модификацияланган сенсорларни ишлатишнинг техник ечимлари келтирилган, улар асосида бир қанча анъанавий электрохимевий усуллари қайта кўриб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олинган натижалар умумий критериялар асосида математик статистик усулида таҳлил қилинган. Бу критерийлар қўшимчалар усули, «киритилди-топилди» ва бошқа усуллар билан реал объектларда, табиий сувларнинг ва стандарт намуналари асосида солиштирган ҳолда тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, In, Sb ва Cd ионларини уларнинг индивидуал эритмаларида, модел бинар, учламчи ва реал табиий

объектлар ва саноат материалларини имитирловчи мураккаб системаларда аниқлашнинг инверсион вольтамперометрия усуллари ишлаб чиқилди. Ушбу усул металллар, қотишмалар, сурковчи моддалар, рудалар, минераллар, турли табиатли сувлар ва бошқа мураккаб материалларни анализига қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган инверсион вольтамперометрик усуллар ва ЭДТА, 8-оксихинолин ва органик комплекс ҳосил қилувчи бошқа модификаторлар билан модифицирлаб олинган электрохимевий сенсорлар In, Sb ва Cd ларни атроф муҳит объектларида микроконцентрация даражасидаги қуйи концентрацияларда аниқлаш мумкин, бу эса бу экотоксикантларни турли табиий объектларда ва материаллардаги аниқ миқдорини топиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Индий, кадмий ва сурьма ионларини микро миқдорларда реал объектлар таркибидан аниқлашда органик реагентлар ёрдамида модификацияланган электрохимевий сенсорларларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш асосида:

Индий, кадмий ва сурьма ионларини аниқлашнинг инверсион вольтамперометрик усуллари «Дехқонобод калий заводи» ҚКАЖ да амалиётга татбиқ қилинган («Дехқонобод калий завод» нинг 2017 йил 11 сентябрь 782/09-3 сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида органик реагентлар ёрдамида модификацияланган электрохимевий сенсорлар билан ўғитлар таркибида оғир металлларни самарали аниқлашда фойдаланилган;

индий, кадмий ва сурьмани ионларини аниқлашнинг инверсион вольтамперометрия усуллари санитар эпидимиологик назорати марказлари томонидан амалиётга татбиқ этилган (Республика давлат санитария - эпидемиология назорати марказининг 2017 йил 15 сентябрь 16-8/6790-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида ишлаб чиқилган модификацияланган электрохимевий сенсорлар ёрдамида индий, кадмий ва сурьма ионларини аниқлашда

8

ишлатилган усулларнинг имкониятлари ҳамда сезгирлигини оширишга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Кадмий, индий ва сурьмани электрохимевий аниқлаш»** бобида оғир металлларни, хусусан кадмий, индий ва сурьмани турли модификацияланган сенсорлар ёрдамида электрохимевий аниқлаш соҳасида дунё олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларни таҳлилига бағишланган адабиётлар шарҳи келтириб ўтилган. Электрохимевий ва бошқа усуллар ҳамда жараёнларни ўрганишда қўлланиладиган инструментал ва математик усуллар қўлланилган. Оғир металлларни аниқлашдаги турли усуллар таққосланиб, уларнинг танқидий шарҳи келтирилган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қотишмалар, кавшарлар ва бошқа саноат материалларида модификацияланган электродларнинг қўлланилиши тегишлича баҳоланмаган, уларни аналитик мақсадларда токсикантларни аввалдан концентрлаш учун сенсор сифатида ишлатилиши умуман кўриб чиқилмаган. Адабиётлар манбаларининг таҳлили хулосасидан келиб чиқиб, тадқиқотнинг мавзуси ва дастури тузиб чиқилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказишда ишлатилган асбоб ускуналар ва материаллар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб бориш учун керакли материаллар, асбоб ускуналар, фойдаланиладиган эритмаларга қўйиладиган талаблар, намуна олиш ва уни таҳлилга тайёрлаш.

Диссертациянинг учинчи боб **«Турли органик реагентлар билан модифицирланган электрохимевий сенсор ишлаб чиқиш»**. Бу бобда қаттиқ ЭС тайёрлашда оптимал шароит, кўмир пастаси аралашмасининг

9

компонентлари ва уларнинг нисбатлари кўриб чиқилган. Маълумки, қаттиқ модификацияланган ЭС хоссалари биринчи навбатда кўмир пастаси таркибидаги компонентларнинг нисбатига боғлиқ, шунинг учун аввал турли пропорцияда олинган графит кукуни, мум ва модификатордан (масса бўйича) ташкил топган аралашмалар тайёрланган. Аралашмадаги графит миқдори ортгани сари унинг электр ўтказувчанлиги ортганлиги аниқланди, шунинг учун кўмир пастаси компонентларини оптимал нисбатига эришиш зарур эди.

Кўмир пастасига киритиладиган модификаторнинг оптимал миқдори ўтказилган тажриба маълумотлари асосида танланди. Оптималлаштирилган шароитларда 0,1-0,8 г модификатор тутувчи ЭС тайёрланди. Олинган маълумотларга кўра, пастадаги модификаторнинг оптимал миқдори 0,2-0,4 г,

чунки кўмир пастаси ва мум аралашмасида унинг миқдори ортиши билан тегишли равишда бутун системанинг (сенсорнинг) электрўтказувчанлиги, шунингдек унинг сезгирлиги камаяди, бу модификаторнинг хусусий электрўтказувчанлиги йўқлиги туфайли пайдо бўлади, демак унинг паста таркибига киритилиши бутун системани электрўтказувчанлик билан таминлайди. 1-жадвалда модифицирланган ЭС нинг турли намуналари ёрдамида олинган In, Sb ва Cd ионларининг вольтампер эгрилари келтирилган.

1-жадвал

ЭС тайёрлашда модификаторнинг табиатига боғлиқ равишда In, Sb, ва Cd ионларини таққосий аниқланиш натижалари ($\pm\Delta X$; $P = 0,95$)

Киритилган металл, мкг (анализ шароитлари)	h, м	Модификатор табиати	Топилган металл, мкг	n	S	S _r
In(III) 5,0 мкг/мл (фон 0,1 М HNO ₃ ; д.т. = 1,0 мкА; E _н = -0,55 В; t _н = 60 с)	65	ЭДТА	4,9 ± 0,25	5	0,14	0,028
	30	8-оксихинолин	4,5 ± 0,31	5	0,25	0,055
	25	Арсеназо I	5,4 ± 0,23	5	0,19	0,035
	15	Морин	4,8 ± 0,26	5	0,21	0,043
	10	Дитизон	3,9 ± 0,18	5	0,15	0,038
Cd(II) 16,0 мкг/мл (фон 0,3 М H ₂ SO ₄ ; д.т. = 0,5 мкА; E _н = -0,69 В; t _н = 60 с)	50	ЭДТА	15,9 ± 0,25	5	0,20	0,012
	55	8-Тосиламин о хинолин	15,1 ± 0,34	5	0,28	0,018
	-	Тиомочевина	-	-	-	-
	20	Сульфарсазен	16,4 ± 0,35	4	0,22	0,013
	25	Каддион С	15,3 ± 0,40	4	0,25	0,016
Sb(III) 3,0 мкг/мл (фон 6,0 М HCl; д.т. = 0,5 мкА; E _н = -0,16 В; t _н = 60 с)	45	ЭДТА	2,7 ± 0,13	5	0,11	0,040
	65	8-оксихинолин	2,9 ± 0,09	4	0,06	0,020
	38	Пирогаллол	3,3 ± 0,14	4	0,09	0,027
	23	Фенилфлуорон	2,2 ± 0,15	5	0,12	0,054

	18	Тиомочевина	$2,6 \pm 0,17$	5	0,14	0,053
--	----	-------------	----------------	---	------	-------

10

Жадвалдан кўриниб турибдики, In ва Cd учун ЭДТА; Sb - учун эса 8-оксихинолин ёрдамида модификацияланган, ҳамда тайёрланган ЭС ёрдамида энг яхши натижалар олинган.

Тўртинчи «Натижалар ва уларнинг тахлили» боби таклиф қилинган фон электролити ва буфер аралашмасининг табиати билан концентрациясини In, Sb ва Cd ионларини инверсион-вольтамперометрик аниқлашга таъсирини ўрганишга бағишланган. Маълумки, ўрганилган металлларнинг АС ҳосил бўлишига таъсир қилувчи асосий омил бўлиб фон электролитларнинг (буфер аралашмалари) табиати ва концентрациялари хизмат қилади, чунки ишнинг оптимал режимини танлаш учун In, Cd ва Sb ионларининг турли кислота асосли муҳитларда электрокимёвий табиати ўрганилган.

Фон электролити ва буфер аралашмасининг етарли даражада юқори бўлмаган концентрациясида ўрганилаётган эритманинг ом қаршилиги жуда катта бўлиб кетади, бу эса ўрганилаётган системада кучланишнинг катта харажатига сабаб бўлади, In, Sb ва Cd ионларини ИВ аниқланишига салбий таъсир кўрсатади.

2 жадвал

Турли табиатли ва концентрацияли фон электролитларида In, Sb ва Cd ларни инверсион-вольтамперометрик аниқлаш натижалари ($P=0,95$; $x \pm \Delta X$)

Металл табиати	Фон электролитининг табиати ва концентрацияси	h, мм	Топилган Me, мкг	n	S	S _r
In	0,10 M HCl	40	$0,56 \pm 0,08$	5	0,06	0,082
	0,1 M HCl + 0,1 M H ₂ SO ₄	45	$0,54 \pm 0,07$	4	0,04	0,080
	0,20 HNO ₃	48	$0,48 \pm 0,02$	5	0,02	0,040
	0.1 M KOH	47	$0,47 \pm 0,03$	5	0,03	0,060
	0,1 M HBr	48	$0,51 \pm 0,01$	5	0,01	0,020
Cd	0,2 M HNO ₃	42	$0,48 \pm 0,09$	5	0,07	0,145
	0,20 M HCl	52	$0,53 \pm 0,06$	5	0,05	0,094
	0,20 M H ₂ SO ₄	57	$0,51 \pm 0,04$	5	0,03	0,059
	0,3 M KI	46	$0,55 \pm 0,14$	4	0,09	0,164
	0,3 M H ₃ PO ₄	40	$0,46 \pm 0,04$	4	0,06	0,131
Sb	0,1 M H ₃ PO ₄	8	$4,91 \pm 0,13$	4	0,08	0,016

	0,2 М NH ₄ F	10	5,04 ± 0,11	5	0,09	0,018
	0,2 М HCl	20	4,98 ± 0,06	5	0,05	0,010
	0,2 М H ₂ C ₂ O ₄	13	5,09 ± 0,19	4	0,12	0,024
	Ац.Б.Р.	11	5,11 ± 0,17	4	0,11	0,022

Бошқа томондан, уларнинг ҳаддан ортиқ юқори концентрацияси ҳам яхши эмас, сабаби ўрганилаётган эритманинг катта ион кучи таъсирида фон электролитларнинг ва буфер аралашмаларнинг диссоциация константалари сезиларли камаяди ва натижада вольтамперо-граммалар шакли ёмонлашади ва тегишли равишда In, Cd ва Sb ларнинг ИВ аниқланишининг аниқлиги камаяди. Шундай қилиб, аниқланаётган металлнинг вольтамперограммалари

11

(чўққилари) ҳар қандай нисбатларда энг яхши натижа бериши учун фон электролитнинг (буфер аралашмаларнинг) оптимал ва мумкин бўлган концентрациялари танланиши керак.

Оптимал ва мумкин бўлган энг катта концентрацияларини топиш учун тадқиқ қилинаётган металлларни турли табиатли ва концентрацияли фон электролитларида ва буфер эритмаларида концентрациялари ортиб бориши билан ИВ аниқланиши амалга оширилган. Бунда электрохимий назорат учун бутун электролиз давомида, аниқ бир чегараларда муҳитнинг протонодонор фаоллиги сақланиб қолиши талаб қилинади, бунда асосий ва аниқловчи ролни фон электролит (буфер аралашмаси) ўйнайди.

In, Sb ва Cd ларнинг вольтамперометрик табиатини ўрганиш, уларни аниқлаш ЭДТА, 8-оксихинолин, дитизон, купферон ва бошқа танловчи органик комплекс ҳосил қилувчи реагентлар билан турли табиатли фон электролитларида ва буфер аралашмаларида модифицирланган ЭС да амалга оширилган. Тадқиқ қилинаётган металлларни турли кислота-асос хоссали муҳитларда ИВ аниқланиши бўйича баъзи маълумотлар 2 жадвалда келтирилган.


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Cd ни (0,20 М H₂SO₄), In – (0,10 М HBr), Sb – (0,2 М HCl) фонида аниқлашда энг яхши натижалар кузатилган ва шунинг учун қолган барча тадқиқотлар ушбу фон электролитларида ва буфер аралашмаларида, ўрнатилган оптимал концентрацияларига тегишли равишда, амалга оширилган.

Муҳитнинг кислота ва асослилигининг фойдали АС In, Sb ва Cd ларга таъсири бўйича кўпроқ маълумот олиш учун турли кислота-асос хоссали фон электролитларда ва буфер аралашмаларида аниқланаётган металлларнинг чўққилари шакли, ҳамда баландлигига муҳитнинг рН таъсири характери ўрганилган. Тадқиқ қилинаётган металлларнинг ИВ аниқланиши бўйича ўрнатилган эгритлардан баъзилари расмда келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, Бриттон - Робинсон (pH 4,5) буферда Cd нинг энг яхши АС олинган, универсал буферда (pH 2,70) Sb, In эса – ацетат буферда (pH 4,0).

Маълумки, ИВ да электродда электрофаол модданинг (аниқланаётган металл) тўпланиш вақти ҳам анод ва катод чўққиларининг баландлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир.

Тадқиқ қилинган металлларнинг ИВ аниқланиши сезгирлигини ошириш учун бир қанча усуллар мавжуд: ток диапазони камайтириш, қўлланилаётган асбобнинг ўзи-ёзувчиси масштабини ўзгартириш, электродда аниқланувчи металл тўпланадиган вақтни ошириш, анализ қилинаётган эритманинг ҳароратини ошириш ёки камайтириш ва бошқа омиллар орқали. Бошидаги икки характеристикани ишлатишнинг самараси ишда қўлланиладиган асбоб тузилишига боғлиқ бўлса, АС қийматига деполяризаторнинг тўпланиш вақтининг таъсири эса аниқланаётган металлнинг табиати ва концентрациясига боғлиқ бўлади.



Расм. In, Cd ва Sb ларнинг АС катталигининг муҳит рН га боғлиқлиги:

In - ацетат буферда (а);

Cd - Бриттон- Робинсон буферда (б);

Sb - универсал буферда (в).

Электродда аниқланаётган металл миқдори билан ИВ даги электролиз вақти орасидаги тўғри пропорционаллик (чизиқли) жуда муҳим ҳисобланади. Градуировка графиги (ГГ) ва стандарт қўшимчалар (СК) усулида ишчи электродда деполяризаторнинг тўпланиш вақти ва электрофаол моддани унинг юзасидан анализ эритмасига эриши, шунингдек, барча ўлчашларда ва шароитларда бир хил бўлиши керак бўлган электролиз режими муҳим ҳисобланади.

3-жадвалда тадқиқ қилинаётган металлларнинг чўққилари баландлигини ЭДТА ва 8-оксихинолин билан модифицирланган ЭСда тўпланиш вақтига боғлиқлиги келтирилган.

3-жадвал

Модифицирланган (In ва Cd учун модификатор ЭДТА, Sb – учун эса 8-оксихинолин) кўмир пастали ЭСларда In, Cd ва Sb ионлари лар чўққилари баландлигининг улар тўпланиш вақтига боғлиқлиги

Пик баланд лиги, тўплан иш вақти	In(III) фон – 0,1 М HBr; д.т. = 1,0 мкА; E _н = -0,56 В; C _{In} = 0,5 мкг/мл					Cd(II) фон – 0,3 М H ₂ SO ₄ ; д.т. = 0,5 мкА; E _н = -0,63 В; C _{Cd} = 1,0 мкг/мл					Sb(III) фон – 0,2 М HCl; д.т. = 1,5 мкА; E _н = -0,18 В; C _{Sb} = 1,0 мкг/мл						
h, мм	5	1 0	1 5			3	6	3 1	2 2	7 6	7						
t _н , с	0 0		3 4	6 0		9 0 2 0 3 0		5 0	7 0	9 0	11 0	5	0 0	4 0		6 0 7 0 8 0	9 0

Жадвалдан кўриниб турибдики, In(III) оптимал тўпланиш вақти 60 с., Cd(II)-90 с., Sb(III) эса -80 с., чунки электролиз вақти яна оширилса чўққилар баландлиги, уларнинг тўпланиши функцияси бўлмай қолади ва доимий катталikka айланади, шунинг учун уни янада оширишнинг маъноси йўқ. Таҳлил намуналаридаги компонентларни аниқлашнинг ИВ усуллари яратишда фойдали АС билан ток диапозони (т.д.) ўртасидаги боғлиқлик асосий шароитлардан биридир. In(III) учун энг оптимал соҳа 0,75 - 2,5 мкА, Cd(II)- 0,25 – 1,0 мкА, Sb(III) учун эса – 1,0 - 5,0 мкА эканлиги аниқланди.

Cd, In ва Sb ионларни муваффақиятли ИВ аниқлаш учун анализ қилинаётган эритманинг температурасини тадқиқ қилинаётган металллар

13

АСига таъсирини ўрганиш керак. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳароратнинг 25-35 °С оралиғида вольтамперометрик эгриларнинг (чўққиларнинг) энг яхши натижалари кузатилган, сабаби унинг кичик қийматларида тадқиқ қилинаётган эритманинг ток ўтказувчанлиги In, Cd ва Sb ионларини аниқлаш учун етарли бўлмайди, юқориларида эса – ЭС сезиларсиз эриши кузатилади ва тегишли равишда унинг ишчи юзаси ёмонлашади ҳамда эгриларнинг (чўққиларнинг) шакли ўзгаради, шунингдек ИВ аниқланиш ҳам ёмонлашади.

Тажриба маълумотлари асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ЭДТА билан модифицирланган ЭС ёрдамида In, Sb ва Cd ионлари ИВ аниқлашнинг тўғри ва қайта такрорланувчанликка эга натижалари олинган, бунда нисбий стандарт четланиш 0,33 дан ошмаган.

In, Sb ва Cd ларни табиатда бирга учрайдиган бегона катионлар билан бирга аниқлаш натижаларидан кўриниб турибдики, мумкин бўлган энг катта

концентрацияларига улар аниқлашга ҳалақит бермайди. Олинган тажриба маълумотлари шуни кўрсатдики, In, Sb ва Cd ионларини турли табиатли ва концентрацияли бегона катионлар билан аниқлаш имкони мавжуд, улар аниқлашга ҳалақит бермайди ва улар кўпинча табиий объектларда ва саноат материалларида бирга учрайди.

Модель аралашмалар яратишга асос бўлиб In(III), Cd ва Sb(III)ларни аниқлашда бегона катионларнинг таъсири бўйича натижалар хизмат қилди. Модель бинар, учлик ва унданда мураккаброқ аралашмаларнинг анализ натижалари 4 жадвалда келтирилган.

4 жадвал

Модель аралашмаларда In, Cd ва Sb ионларини аниқлаш натижалари

($P=0,95$; $\bar{x} \pm \Delta X$)

Ме табиат и	Наъмунадаги компонентлар концентрацияси ва аралашма таркиби, мкг	Топилган Ме, мкг	n	S	S _r
In	In(0,35)+Cd(95,0);	$0,36 \pm 0,11$	5	0,09	0,02 5
	In(0,70)+Sn(1,96)+Pb(2,35);	$0,68 \pm 0,04$	5	0,03	0,04 4
	In(1,40)+Bi(0,52)+Sn(2,20)+Cd(3,25);	$1,43 \pm 0,10$	5	0,08	0,05 6
	In(2,80)+Bi(0,19)+Pb(2,30)+Sn(2,0)+Cd(2,55);	$2,76 \pm 0,33$	4	0,21	0,07 7
	In(5,60)+Sn(0,31)+Zn(5,19)+Ag(1,21)+Se(1,41))+ +Mn(2,37);	$5,67 \pm 0,84$	4		3
Sb	Cd(0,38)+Pb(41,40);	$0,37 \pm 0,02$	5	0,02	0,05 4
	Cd(0,50)+Ti(15,00) + Zr(15,00);	$0,49 \pm 0,05$	4	0,03	0,06 1
	Cd(0,75)+Hg(3,00) + Pb(41,40) + Zn(100);	$0,76 \pm 0,08$	5	0,07	0,08 3
	Cd(1,50)+Ba(200)+Cd(10,00)+Pb(4,14)+Ti(15,00);	$1,54 \pm 0,23$	4	0,15	0,09 7
	Cd(2,50)+Hg(3,00)+Zn(50,00)+Cd(10,00))+ +Pb(41,14) + Zr(11,00).	$2,51 \pm 0,31$	5	0,26	0,10 3
Cd	Sb(1,34)+Cu(1,0);	$1,39 \pm 0,20$	6	0,08	0,05 7
	Sb(3,00)+Sn(2,37)+Tl(1,21);	$3,09 \pm 0,31$	4	0,20	0,06 4

	Sb(6,00) + Bi(1,48) + Se(2,39) + Cd(2,39);	$5,91 \pm 0,74$	4	0,47	0,07 9
	Sb(7,83) + Bi(5,94) + Ni(78,9) + Cr(0,54) + Cu(0,24).	$7,92 \pm 0,97$	5	0,79	0,09 9

14

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, реал табиат объектлари ва саноат материалларини тақлид қилувчи мураккаб модель аралашмаларда In, Cd ва Sb ионларини ИВ усулида қийинчиликсиз аниқлаш мумкин, айниқса барча ҳолатларда нисбий стандарт четланиш (S_r) In(III) учун 0,083 дан, Cd(II)-учун эса 0,162 ва Sb(III) учун эса – 0,129 дан ошмайди, бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган усуллар юқори аниқликка эга .

Модель бинар, учлик ва ундан мураккаброқ аралашмаларда, ишлаб чиқилган модифицирланган ЭС ёрдамида, In, Cd ва Sb ионларини ИВ аниқлаш бўйича натижалардан шундай хулоса келиб чиқадики, ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида турли табиатли ва концентрацияли реал табиий объектларда ва саноат материалларида (қолдиқлар, концентратлар, рудалар, минераллар ва б.) тадқиқ қилинган металлларнинг миқдорини юқори метрологик характеристикалар ва аналитик параметрлар билан қийинчиликсиз таҳлил қилиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг бешинчи боби «**Индий, сурьма ва кадмийни инверсион-вольтамперометрик аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усулларнинг аналитик қўлланилишига**» бағишланган.

Реаль табиий объектларда ва саноат материалларида (қалай ва алюминий металларида, ҳамда қотишма, кавшар сурков мой) индийни ИВ аниқлаш учун энг аввало анализ қилинадиган намунани, намуна ва объект табиатига мос келадиган тегишли кислоталар, асосларда парчалаш керак, кейин эса дунё адабиётида мавжуд бўлган усуллар билан намуна анализини ўтказиш керак.

5 жадвал

Қалай ва алюминий металларида, ҳамда қотишма, кавшар ва сурков мойи таркибидан индийнинг инверсион-вольтамперометрик аниқлаш натижалари

Анализ қилинаётган материаллар таркиби ва улардаги компонентлар миқдори, %	Топилган In, % ($P=0,95$, $x \pm \Delta x$)	n	S	S_r
Қалай: In(0,0094) + Cu(0,0009) + Pb(0,0029) + Zn(0,0008) + Fe(0,006) + As(0,0001) + Sb(0,015) + Sn(98,07) + Cd(1,8949).	$0,0093 \pm 0,0011$	6	0,16	0,07 8
Алюминий: In(1,50) + Cd(11,0) + Pb(44,0) + Cu(54,0) + Bi(2,59) + Ni(6,98) + Co(7,58).	$1,48 \pm 0,09$	6	0,08	0,051

Осон сууюкланадиган қотишма: In(1,50)+Ga(1,20)+Sn(1,10)+Bi(0,60)+ +Cd(5,98)+Ni(27,5)+Co(67,12);	1,59 ± 0,06	5	0,0 6	0,039
Кавшар: In(1,21)+Sn(1,7)+Ag(0,01)+Cu(2,62)+ +Bi(37,5)+Pb(24,6)+Cd(32,36);	1,13 ± 0,14	4	0,0 8	0,07 1
Сурков мойи: In(0,50)+Ag(2,1)+Se(1,54)+Bi(2,34)+ +Te(17,54)+Cd(5,94)+Tl(37,59)+Sn(32,45).	0,57 ± 0,09	4	0,0 5	0,09 1

Таркибида индий иони сақловчи тахлил қилинаётган эритмадан аликуот (қисм) олинади, табиатига мос равишда керакли фон электролити ёки буфер

15

аралашма киритилади, муҳитнинг керакли рН га ва бошқа муҳим электрохимевий параметрларга (сезгирлик, ток диапазони, электролиз вақти ва б.) етказилади ва индийни ИВ аниқланиши ўтказилади.

Модель бинар, учлик ва ундан мураккаброқ аралашмаларда Cd ни аниқлаш бўйича қўлга киритилган натижалар шуни кўрсатадики, уни реал табиат объектларида ва саноат материалларида, рудаларда ва концентратларда ИВ аниқлаш имконияти мавжуд. Намунани олиш ва намунани тайёрлаш дунё адабиётларида мавжуд бўлган усуллар ёрдамида амалга оширилган. Кадмоселит, монтепонит ва ксантохроит Cd(II)га аниқлаш бўйича биз томондан қўлга киритилган баъзи маълумотлар 6 жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Кадмоселит, монтепонит ва ксантохроитда кадмийни инверсион
вольтамперометрик аниқланиши натижалари

Анализ қилинаётган объект номи ва ундаги компонентлар миқдори, %	Топилган Cd, % (P=0,95, $x \pm \Delta x$)	n	S	S _r
Кадмоселит – Cd(47,00)+Se(34,00)+Cu(2,5)+ Zn(16,50);	46,30±1,49	5	1,124	0,02 8
Монтепонит – Cd (87,5)+ Al(9,28)+ Si(9,28);	87,10 ± 0,63	5	0,548	0,00 6
Ксантохроит: Cd(77,2)+S(16,20)+Zn(6,60).	76,90 ±0,85	5	0,742	0,01 0

Жадвалдан хулоса қилиш мумкинки, Cd(II) микрограмм миқдорларини ИВ аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усуллар юқори аниқлик характеристикалари, нисбий стандарт хатолиги 0,028; 0,006 ва 0,010 дан

ошмайдиган, анализни амалга оширишнинг экспресслиги билан фарқланади.

Мисда, ферромарганецда ва иссиққа чидамли никел қотишмада сурьманинг микро миқдорини аниқлаш асосий матрицадан Sb ни аввалдан ажратишга, метақалайли кислота ва аммиакли муҳитда (pH 9) темир гидроксид билан чўкишига, кейин уни 0,5-2,5 М HCl фонида 8-оксихинолин билан модификациялаб, биз яратган ЭС ёрдамида ИВ аниқлашга асосланган. Sb билан бир вақтнинг ўзида Bi ҳам ажралиши мумкин. Бу ҳолатда лимон кислотани 0,2 М концентрациягача қўшган ҳолда 1 М HCl фонида аниқлаш амалга оширилади.

7-жадвал

Мисда, ферромарганецда ва иссиққа чидамли никель қотишмасида сурьмани аниқлашнинг натижалари ($P=0,95$, $x \pm \Delta x$)

Анализ қилинаётган объект таркиби ва компонентлар концентрацияси, мкг	Топилган Sb, мкг	n	S	S _r
Мис: Sb(2,34)+Ag(3,71)+Bi(0,78)+Ca(2,85)+Cd(1,0)+ +Cr(2,5)+Fe(1,5)+Mg(1,2)+Mo(3,5)+Ni(5,5)+ +Pb(2,3)+Zn(2,0)+Al(1,7);	2,30 ± 0,30	6	0,12	0,051
Ферромарганец: Sb(1,34)+In(3,71)+Pt(0,78)+Bi(2,85)+Cu(1,0)+ +Fe(39,53)+Cd(2,67)+Co(11,34)+Ni(5,21);	1,39 ± 0,18	6	0,18	0,129
Иссиққа чидамли никель қотишмаси: Sb(7,83)+Bi(5,94)+Ni(78,9)+Cr(0,54)+ +Cu(0,24)+Pb(27,54)+Sn(2,37)+Cd(1,92).	7,92 ± 0,29	5	0,27	0,035

16

Намуна анализи: эритмадан аликвот қисм олинади (2-5 мл) ва электролизерга солинади, фон электролити (0,2 М HCl) ва симоб (II) нинг 0,003 М эритмасидан 3-4 томчи қўшилади ҳамда умумий хажм 20 мл гача етказилади ва тўхтовсиз аралаштириб турилади, кейин оптималлаштирилган шароитларда ва сенсорлар ҳамда ускуналарнинг ўрнатилган иш режимида (ток диапазони 0,75-1,25 мкА, потенциал ўзгаришининг амплитуда соҳаси 1,0 ± +1,0 В, электродда Sb нинг тўпланиш вақти 100 с., унинг анализ қилинаётган намунадаги миқдорига боғлиқ равишда), -0,16 В потенциаллар диапазонида Sb(III) нинг чўққиси қайд қилинади.

Ферромарганец, иссиққа чидамли никел қотишмаси ва мисни анализда сурьмани ИВ аниқлаш бўйича айрим маълумотлар 7 жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, сурьма ионини аниқлашда етарли даражада тўғри ва такрор амалга ошириш мумкин бўлган, нисбий хатолиги (Sr) 0,051; 0,129 ва 0,035 лардан ортмайдиган натижалар олинади, бу эса яна бир бор уни саноат материаллари ва табиий объектларида ИВ аниқлаш имкони

мавжудлигини кўрсатиб беради.

8-жадвал.

Модификацияланган ЭСдан фойдаланиб ИВ усули билан
табiiй сувларни анализи натижалари
($n=5$; $\bar{x} \pm \Delta x$; $P=0,95$)

Металлар табиати	Анализ объекти	киритилг ан Ме, мкг	Топилган Ме, мкг	S	S _г
Индий	Скважинадан сув	0 0,36	$0,52 \pm 0,05$ $0,89 \pm 0,09$	0,04 0,08	0,076 0,089
	Салардан сув	0 0,20	$0,09 \pm 0,01$ $0,28 \pm 0,07$	0,01 0,06	0,111 0,114
	Булоқдан сув	0 0,03	$0,07 \pm 0,01$ $0,10 \pm 0,02$	0,01 0,02	0,042 0,120
Кадмий	Сирдарё суви	0 0,47	$0,52 \pm 0,06$ $0,98 \pm 0,12$	0,05 0,10	0,096 0,102
	Амударё суви	0 0,52	$0,44 \pm 0,06$ $0,96 \pm 0,11$	0,05 0,09	0,070 0,093
	Қорасу суви	0 0,46	$0,44 \pm 0,04$ $0,99 \pm 0,11$	0,03 0,09	0,068 0,090
Сурма	Чирчиқ суви	0 0,27	$0,68 \pm 0,07$ $0,96 \pm 0,11$	0,06 0,09	0,088 0,093
	Жўмракдан сув	0 0,32	$0,37 \pm 0,03$ $0,69 \pm 0,08$	0,03 0,07	0,081 0,101
	Зарафшон суви	0 0,39	$0,54 \pm 0,02$ $0,92 \pm 0,09$	0,02 0,08	0,037 0,086

Турли микроэлементларнинг сувли муҳитлардаги миқдорини ва гидросферага уларнинг тушувчи манбааларини назорат қилиш, микроэлементларнинг айрим физик-кимёвий шакллари миграцияси

17

динамикасини прогнозлаштириш усуллари атроф-муҳит муҳофазаси ва экология соҳасида муҳим аҳамиятиги эга.

Табиат сувлари намуналарининг анализини амалга ошириш алгоритми металлларни рапларда (тузли эритмаларда) ИВ аниқланиши билан бир хил. Фарқи шундаки, рапларни анализида намунадаги фон электролитларининг миқдори иложи борица минимумга етказилади, чунки рапларнинг таркибида индифферент фон электролит-тузлар мавжуд. Табиий ва оқава сувларнинг (дарё, кўл ва б.) анализида металлларнинг аниқланиши бўйича энг яхши

натижаларга эришилган, чунки фақат фон электролитининг оз миқдордагиси киритилиши талаб этилади.

Бундай объектларда тадқиқ қилинган металллар миқдорининг қуйи аниқланиш чегараси 10^{-6} – 10^{-9} % да эди. Табиий сувлар анализида ИВ усул билан турли металлларнинг миқдорини аниқланиши бўйича айрим натижалар 8-жадвалда келтирилган.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, таклиф қилинган электрохимевий усулларни нафақат табиий сувларнинг реал намуналари анализида қўллаш мумкин, балки ишлаб чиқаришнинг турли технологик суюқликлари ва саноат чиқиндиларидан оғир захарли металлларни аниқлашларда қўллаш мумкин. Ўтказилган тажрибалар турли таркибли табиий сувларни ИВ аниқлаш мумкинлигини тасдиқлади.

Тадқиқ қилинаётган реал объектлар таркибидан In, Cd ва Sb ионларини экстракциялаб ИВ аниқлашда фон электролитлар сифатида HCl, HClO₄, CH₃COOH, KCl, KBr, KI, этилендиамин ва турли pH муҳитга эга бўлган универсал буфер эритмалардан фойдаланилди.

Индий иони эритмадан диэтил эфир ёрдамида HBr га унинг бромиди шаклида экстракцияланади, бунда оптимал концентрация 4,5 моль/л. In(III)нинг миқдорий анализи учун икки карра экстракция талаб қилинади.

Сурьманинг эритмадаги айрим шакллари ўртасидаги мувозанат жуда секинлик билан ўрнатилади, шу сабабдан экстракция учун, айниқса Sb(V), нафақат HCl ва металл хлоридларининг концентрацияси муҳим ва зарур, балки эритманинг тайёрланиш шароитлари ҳам керакдир. HCl ёрдамида Sb(III) ва Sb(V) ларни экстракция қилиш учун кўпгина сувсиз эритмалар ва уларнинг аралашмалари қўлланилади.

Водородхлорид эритмаларидан Sb ни экстракция қилиш учун спиртлардан асосан изоамил спирт қўлланилади. Sb(V) нинг турли шакллари орасида гидролитик мувозанат қарор топган эритмалардан экстракция қилишда $\text{HCl} \geq 9 \text{ M}$ концентрациясидагина экстракцион мувозанат қарор топади; унинг концентрацияси кам бўлган эритмаларда эса у бир неча соат ва кунлар давомида қарор топади.

LiCl нинг концентрланган эритмаларидан, хатто HCl нинг қуйи концентрацияларида ҳам, Sb(V) изоамил спирт ёрдамида, экстракциядан аввал эритмалар қанча вақт давомида ушлаб турилишидан қатъи назар, 100% экстракцияланади.

ИВ усулида индит, рокезит, скуранит, истеманит ва глаукопирит таркибидаги In ва Sb ионларини аниқлашда фон электролитларига (буфер

18

аралашмага) озгина миқдорда Hg(II) нитрат тузидан қўшиш орқали, яратилган ЭДТА билан модифицирланган ЭСнинг ва шу билан бир қаторда ишлаб чиқилган усулларимизнинг сезгирлигини ортишига сабаб бўлди. Тадқиқ қилинган металлларнинг гибрид-экстракциялаб аниқланиши бўйича айрим маълумотлар 9 жадвалда келтирилган.

Рудаларда In ва Sb ни экстракциялаб ИВ аниқлаш натижалари

Анализ қилинаётган объект номи ва ундаги компонентлар миқдори, мкг	Топилган Me, мкг $P=0,95, x \pm \Delta x$	n	S	S_r
Индит: In(1,5)+Fe(34,06)+ Pb(1,026) +S(25,68);	$1,51 \pm 0,05$	7	0,06	0,117
Рокезит: In(2,7)+Pb(0,12)+Cu(45,14)+S(15,18);	$2,69 \pm 0,04$	6	0,05	0,102
Сакуранит: In(3,5)+Fe(13,08)+Zn(12,9)+Cu(25,78)+Sn(0,12);	$3,52 \pm 0,03$	6	0,03	0,057
Истеманит: Sb(1,224)+Mn(25,60)+Al(30,74)+Fe(12,36)+ +Si(10,45)+Ni(19,62);	$1,18 \pm 0,01$			0,008
Глаукопирит: Sb (1,67)+Co(3,232)+As(49,73)+ +As(2,33)+Sn(19,34)+S(26,67).	$1,64 \pm 0,1$		0,09	0,055

Жадвалдан кўришиб турибдики, экстракциянинг барча ҳолатларида тўғри ва такрор амалга ошириш мумкин бўлган, нисбий стандарт хатолиги 0,117 дан юқори бўлмаган натижалар олинди. Тадқиқ қилинган металлларнинг топилган миқдори ишончли интервал чегарасидан чиқмайди, бу эса яна бир бор олинган натижаларнинг ишончилиги ва аниқ манбаага асосланганини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Каттик модифицирланган сенсорлар яратишда импорт ўрнини босувчи, қиммат бўлмаган органик реагентлар асосида танланган. Ҳосил қилинган сенсорлар ёрдамида тадқиқ қилинган металлларни турли табиатли ва концентрацияли фон электролитларда, буфер аралашмаларда инверсион вольтамперометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган ва Cd, In ва Sb ионларининг электролиз шароитлари оптималлаштирилган. 2. In, Cd ва Sb ионларининг аналитик сигналлари, уларнинг катодда қайтарилиш потенциаллари, ток диапазони, сенсорда деполяризаторнинг тўпланиш вақти, фон электролитларининг табиати ва концентрациялари

хамда буфер аралашмаларининг рН лари орасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган.

3. Турли табиатли ва концентрацияли бегона катионларнинг, анионларнинг ва комплекс ҳосил қилувчи бирикмаларнинг вольтамперограммлар (чўққилар) шаклига ва аниқланаётган металлар натижаларига таъсири ўрганилган. Тадқиқ қилинаётган металларнинг корреляция коэффицентлари топилган.
4. In, Cd ва Sb ионларининг индивидуал эритмаларда, микро- ва қолдиқ (из) миқдорлари даражасида аниқлайдиган қуйи чегарали реал табиат объектлари, саноат материалларига тақлид қилинган модель бинар, учлик ва ундан мураккаброқ аралашмаларда инверсион-вольтамперометрик аниқланиш усуллари ишлаб чиқилди, бунинг натижасида металлар, қотишмалар, кавшарлар, сурков мойлари, рудалар, минераллар, турли табиатли сувлар ва бошқа реал табиат объектлари ҳамда саноат материалларини анализ қилиш имконияти яратилди.
5. In, Cd ва Sb ионларини аниқлашнинг гибрид экстракцияли инверсион вольтамперометрик усуллари ишлаб чиқилди. Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларидаги турли саноат ташкилотларининг ишлаб чиқариш материаллари анализи бўйича янги йўллари ва схемалари тақлиф қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.14.07.2016.К.01.03 ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

ЗИЯЕВ ДИЛШОД АБДУЛЛАЕВИЧ

РАЗРАБОТКА ЭЛЕКТРОХИМИЧЕСКИХ СЕНСОРОВ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ ПРИ АНАЛИЗЕ КАДМИЯ, ИНДИЯ И СУРЬМЫ

02.00.02 – Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2017

21

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам
зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/K5**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме))
размещен на веб-странице по адресу ik-kimyo.nuu.uz. и информационно-образовательном
портале «ZIYONET» по адресу www.ziyonet.uz

**Научный руководитель Сманова Зулайхо Асаналиевна, доктор
химических наук**

**Официальные оппоненты: Насимов Абдулла Мурадович доктор технических
наук, профессор**

Султонов Марат Мирзаевич

кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «____» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, НУУз, химический факультет. Тел.: (99871)246-07-88, (99871)277-12-24; факс: (99871) 246-53-21. E-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № _____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100174, Ташкент, ВУЗгородок, Фундаментальная библиотека НУУз. Тел: (99871)246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2017 г.
(протокол рассылки № ____ от _____ 2017 г.)

Х.Т.Шарипов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

Насимов А.М.

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению учёных
степеней д.т.н., профессор

22

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире загрязнение природной среды газообразными, жидкими и твердыми веществами и отходами производства, приводит к острой экологической проблеме, имеющей приоритетное социально-экономическое значение, а устранение причин возникновения этих проблем является одной из основных задач¹. Возрастающая потребность промышленности в кадмии, сурьме и индии, как основных материалов при изготовлении полупроводников и особо чистых веществ, несмотря на их токсичность, одновременно требует разработки методов аналитического контроля этих материалов, требующих разработки чувствительных методов

являются актуальной как с практической, так и теоретической точки зрения.

В республике АО «УЗКИМЁСАНОАТ» уделяет большое внимание разделению и определению некоторых металлов с использованием современных технологий электрохимических методов. В частности, особое значение имеет определение индия, кадмия, сурьмы, токсичных и других канцерогенных, тяжелых металлов электрохимическими методами, где в качестве рабочего электрода применяются электрохимические сенсоры. Для стремительного развития Республики стратегии действия в рамках мероприятий по внедрению новых технологии уделяется особое внимание современным электрохимическим методам, повышающим конкурентно способность и сокращающих себестоимость производимой продукции.

На сегодняшний день проведение целевых исследований по повышению определения ультромикроколичеств токсичных металлов в объектах окружающей среды и эффективному их использованию является важным в мире, где особое внимание уделяется следующим задачам: в частности, разработке новых сенсоров, экологически чистых, заменяющих дорогостоящий, токсичный ртутный рабочий электрод; изготовленных из местного сырья; определению тяжелых, канцерогенных и токсичных металлов посредством модифицированных электрохимических датчиков.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан ПП-1071 от 11 марта 2009 года «О программе мер по ускорению строительства и освоению производства новых видов химической продукции», УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением №142 Кабинета министров Республики Узбекистан от 27 мая 2013 года «О Программе действий по охране окружающей среды Республики Узбекистан на 2013-2017 годы», от 21 января 2014 года «О порядке разработки и согласования проектов экологических нормативов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹Р 2.1.10.1920-4. Руководство по оценке риска для здоровья населения при воздействии химических веществ, загрязняющих окружающую среду. М. : Федеральный центр Госсанэпиднадзора Минздрава России, 2004. 143 с.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В настоящее время наиболее бурно развиваются научно-исследовательские работы, проводимые в области электро-химических методов определения кадмия, индия и сурьмы.

Можно установить наиболее часто цитируемых авторов работ PradeepSh. R., BaisM. T., Muhammad O. F., Aqeel Ahmad T., Saad Al-Shahrani,

DumitruB., Sami U. R., Olga Domínguez-Renedo, M. JesúsG. G., M. Julia Arcos Martínez, G. Van Dyck, F.Verbeek и многие другие.

